



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 3 » dekabr

№ 732

Toshkent sh.

### Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 5 июлдаги ПҚ-1566-сон қарорига мувофиқ расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қилади:

**1. 2022 йил 1 мартдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларга ваколатли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган расмий ҳужжатларга электрон тарзда “Apostille” маҳсус штампини (кейинги ўринларда – апостиль) қўйиш бўйича давлат хизматини давлат хизматлари марказлари ва (ёки) Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали кўрсатиш тартиби жорий этилсин.**

Бунда, жисмоний ва юридик шахсларга ваколатли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган расмий ҳужжатларга анъанавий тарзда апостиль қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби ҳам сақлаб қолиниши белгилаб қўйилсин.

**2. Куйидагиларни назарда тутувчи Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2022 йил 1 мартдан бошлаб амалга киритилсин:**

жисмоний ва юридик шахсларга ваколатли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган расмий ҳужжатларга электрон тарзда апостиль қўйиш бўйича давлат хизматини давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали кўрсатиш тартиби;

жисмоний ва юридик шахсларга ваколатли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган расмий ҳужжатларга анъанавий тарзда апостиль қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби;

ариза берувчиларининг мурожаатига кўра, уларга апостиль қўйиш масалалари бўйича апостиль қўйиш масалаларини кўриб чиқиши ваколатига

кирадиган ходим ҳамда Давлат хизматлари маркази ходими томонидан маслаҳатлар (маълумотномалар) бериш тартиби;

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари томонидан ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга ошириш.

3. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2022 йил 1 январга қадар расмий ҳужжатларга электрон тарзда апостиль қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатишни техник жиҳатдан қўллаб-қувватловчи “E-App” (Electronic Apostille Programm) ва “E-register” дастурларининг ишлаб чиқилиши ва ишга туширилишини таъминласин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ушбу дастурларнинг лойиха-техник ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

4. Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари расмий ҳужжатларни имзолаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларнинг имзолари ҳамда муҳр ва штампларнинг босма изи намуналарини мунтазам равища:

тегишли худуддаги адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – **Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига**;

судлардан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – **Олий судга**;

прокуратура, тергов, суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – **Бош прокуратурага**;

таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига**;

бошқа расмий ҳужжатлар бўйича – **Ташқи ишлар вазирлигига юборсинлар**.

5. Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Олий суд ва Бош прокуратура билан биргаликда:

2022 йил 1 марта қадар ҳозирги кунда мавжуд бўлган расмий ҳужжатларни имзолаш ваколатига эга мансабдор шахсларнинг имзолари ҳамда муҳр ва штампларнинг босма изи намуналарининг “E-App” дастурига киритилишини;

расмий ҳужжатларни имзолаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар ўзгарган тақдирда, уларнинг имзолари ҳамда муҳр ва штампларнинг босма изи намуналарининг “E-App” дастурида доимий равища янгиланиб борилишини;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда давлат хизмати кўрсатишда иштирок этадиган барча бўлинмаларининг ЯИДХПга уланишини таъминласин.

6. Адлия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда бир ой муддатда давлат хизматлари марказларининг ходимлари иштирокида ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентни амалда қўллашнинг самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга йўналтирилган ўқув-амалий семинарлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларни кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

8. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартиби бажарилиши юзасидан улар фаолияти бўйича, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентнинг талабларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазоларни қўлласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари 2022 йил 1 мартдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсингар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов ва ташқи ишлар вазири А.Х. Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Мажкамасининг  
2021 йил “З” декабрдаги 732-сон қарорига  
1-илова

**Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича  
давлат хизмати қўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда – мурожаат этувчилар) ваколатли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида тузилган расмий ҳужжатларга “Apostille” маҳсус штампини (кейинги ўринларда – апостиль) қўйиш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда – давлат хизмати) қўрсатиш тартибини белгилайди.

Апостиль билан Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенциянинг (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) (кейинги ўринларда – Конвенция) 5-моддасига мувофиқ, расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлиги, имзолаш ваколати мавжудлиги ҳамда ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлиги тасдиқланади.

2. Ушбу Регламентда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**апостиль** – расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлигини, имзолаш ваколати мавжудлигини ҳамда ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган, Конвенцияга мувофиқ расмий ҳужжатга чет элда фойдаланиш мақсадида қўйиладиган маҳсус штамп;

**апостиль қўйиш** – расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлигини, имзолаш ваколати мавжудлигини ҳамда ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун зарур бўлган расмий тартиб-таомил;

**ваколатли давлат органи** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2011 йил 5 июлдаги ПҚ-1566-сон қарорига мувофиқ апостиль қўйиш ваколати берилган давлат органи;

**“юлдузча”** – расмий ҳужжат ва рақлари маҳкамланадиган жойга ёпиштириладиган ва апостилни қўйган ваколатли давлат органининг гербли муҳри босиладиган қалин қофоз;

**“E-App” дастури** – расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлигини, имзолаш ваколати мавжудлигини ҳамда расмий ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган, Конвенцияга мувофиқ расмий ҳужжатга чет элда фойдаланиш мақсадида қўйиладиган маҳсус штамп генерация қиладиган дастур;

**“E-register” дастури** – ваколатли давлат органи томонидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда расмий ҳужжатга чет элда фойдаланиш мақсадида “E-App” дастури орқали қўйиладиган махсус штампни генерация қилиш ва ушбу штампга ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларини ўзида жамловчи электрон реестр дастури.

3. Апостиль расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлигини, имзолаш ваколати мавжудлигини ҳамда ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун расмий ҳужжатларга қўйилади.

Апостилга қўйиладиган имзо қўшимча равища тасдиқлашни талаб этмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 5 июлдаги ПҚ-1566-сон қарорига мувофиқ давлат хизмати қуйидаги органлар томонидан кўрсатилади:

**адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича** – Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари;

**судлардан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича** – Олий суд;

**прокуратура, тергов, суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича** – Бош прокуратура;

**таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича** – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси;

**бошқа расмий ҳужжатлар бўйича** – Ташқи ишлар вазирлиги.

5. Апостиль:

чет элда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан содир этилган расмий ҳужжатларга;

тижорат ёки божхона операцияларига тўғридан-тўғри алоқадор бўлган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортига, идентификация ID-картасига, ҳарбий билетга қўйилмайди.

6. Расмий ҳужжатга апостиль қўйиш, мурожаат этувчининг ўз хоҳишига кўра, мазкур Регламентнинг 1-иловасига мувофиқ **анъанавий тарзда ёки 1а-иловасига мувофиқ электрон тарзда** амалга оширилади.

Расмий ҳужжатга апостиль қўйиш билан боғлиқ барча жараёнлар “E-App” ва “E-register” дастурларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

7. Расмий ҳужжатга электрон тарзда апостиль қўйиш жараёнида давлат хизматлари марказлари ва ваколатли давлат органлари ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идораларо электрон ҳамкорлик ёрдамида амалга оширилади.

8. Расмий ҳужжатга апостиль қўйиш, агар ҳужжат тақдим этиладиган давлатда амал қиласидиган қонунлар, қоидалар ёки урф-одатлар ёхуд икки ёки бир неча аҳдлашувчи давлат ўртасидаги аҳдлашув расмий ҳужжатни легаллаштиришни соддалаштирса ёки озод қилса, талаб қилинмаслиги мумкин.

9. Ваколатли давлат органлари ҳамда давлат хизматлари марказлари жисмоний ва юридик шахсларга апостиль қўйиш тартиб-таомиллари бўйича бепул маслаҳатлар берадилар.

## **2-боб. Давлат хизмати қўрсатиш тартиби**

### **1-§. Анъанавий тарзда апостиль қўйиш тартиби**

10. Мурожаат этувчи давлат хизмати олиш учун ваколатли органга ўзи келган ҳолда мурожаат этади. Мурожаат этувчи ўрнига ишончнома асосида ҳаракат қилаётган учинчи шахслар ҳам мурожаат этишлари мумкин.

11. Ваколатли орган ходими мурожаат этувчи номидан ушбу Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради.

Сўровномага хорижий давлат – Конвенция қатнашчиси худудида фойдаланиладиган расмий ҳужжат ёки расмий бўлмаган ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхаси илова қилинади. Сўровномага зарур маълумотлар расмийлаштирилган ва киритилгандан сўнг мурожаат этувчи уни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

12. Сўровномани кўриб чиқиш учун:

таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – базавий ҳисоблаш микдорининг 20 фоизи микдорида;

адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – базавий ҳисоблаш микдорининг 20 фоизи микдорида;

бошқа ҳужжатлар бўйича – базавий ҳисоблаш микдорининг 10 фоизи микдорида йигим ундирилади.

Мурожаат этувчи расман мурожаат этганидан сўнг тўланган йигим суммаси қайтарилмайди.

Йигим суммаси ушбу Регламентнинг 30-банди “в” кичик бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

13. Сўровнома расмий ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ваколатли орган томонидан икки иш куни ичида кўриб чиқилади.

14. Имзо намунасини ва апостиль қўйиш учун тақдим этилган расмий хужжатни имзолаган аниқ мансабдор шахснинг имзо қўйиш ваколатларини тасдиқлаш ва (ёки) расмий хужжат чиқадиган ташкилот муҳри босма изи намунасини талаб қилиш зарур бўлган тақдирда, расмий хужжатга апостиль қўйиш тўғрисидаги сўровномани кўриб чиқиш муддати ўн иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бунда, мурожаат этувчи ваколатли орган томонидан сўровномани кўриб чиқиш муддатлари узайтирилганлиги ҳақида хабардор этилиши лозим.

15. Апостиль қўйиш учун тақдим этиладиган расмий хужжатларда тегишли реквизитлар (тартиб раками, сана, имзо, муҳр) ва мансабдор шахсларнинг имзолари ҳамда муҳр, штампларнинг ҳақиқийлиги, шу жумладан “E-App” ва “E-register” дастурларидан фойдаланган ҳолда, текшириб олинади.

16. Апостиль қўйиш учун тақдим этиладиган расмий хужжатлардаги мансабдор шахсларнинг имзолари ва муҳрлар босма изи аниқ бўлиши керак.

Агар расмий хужжатда тузатишлар ва (ёки) қўшимча ёзувлар бўлса, улар расмий хужжатга имзо чеккан шахс томонидан қайд этилиши керак. Кўрсатиб ўтилган тузатишлар ва (ёки) қўшимча ёзувлар барча хато ёзилган, кейинчалик эса тузатилган ва устидан чизилганларни дастлабки шаклда ўқиш мумкин бўлган тарзда бажарилиши керак.

17. Куйидаги ҳолларда апостиль қўйиш рад этилади:

расмий хужжатда ушбу Регламентнинг 15-бандига мувофиқ зарур реквизитларнинг ҳеч бўлмаганда бири мавжуд бўлмаса ёки мансабдор шахсларнинг имзолари ҳамда муҳр, штампларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланса;

расмий хужжатни имзолаган мансабдор шахс уни имзолаш ваколатига эга бўлмаса.

18. Ваколатли давлат органи томонидан апостиль қўйиш рад этилган тақдирда, ушбу Регламентга мувофиқ рад этиш тўғрисидаги билдиришнома рад этиш сабаблари ва мурожаат этувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун расмий хужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат (30 календарь кун) кўрсатилган ҳолда мурожаат этувчига (унинг вакилига) тақдим этилади.

Ваколатли орган ходими шу куннинг ўзида мурожаат этувчига рад этиш тўғрисидаги билдиришнома ҳақида телефон ёки “SMS-хабар” орқали хабар беради.

19. Сўровнома такроран кўриб чиқилганлиги учун йифим ундирилмайди.

Рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин берилган сўровнома янгидан берилган ҳисобланади.

20. Апостиль қўйиш “E-App” дастури орқали штамп генерация қилинганидан сўнг расмий хужжатга апостиль босма изини босиш йўли билан амалга оширилади ва у генерация қилинган штампда мавжуд бўлган маълумотлар билан тўлдирилади.

Мазкур штампни “E-register” дастурида “E-App” дастури билан бериладиган махсус рақам орқали текшириб олиш имконияти мавжуд бўлиши шарт.

21. Апостиль мазкур Регламентнинг 3-илюстасига мувофиқ 10x10 см ўлчамли квадрат клише шаклида бўлади. Апостилнинг сарлавҳаси француз тилида бўлиши керак.

Апостилни анъанавий тарзда ксеронусха ёки апостилнинг босма изини босищдан фарқ қиласидан бошқа усуlda қўйишга йўл қўйилмайди.

22. Апостилнинг босма изи расмий хужжатнинг матндан бўш жойига ёки унинг орқа томонига ёхуд қоғознинг алоҳида варагига қўйилади.

Апостилнинг босма изи алоҳида варакқа қўйилган тақдирда, расмий хужжатнинг вараклари ва апостилнинг босма изи босилган варакқа тартиб рақами қўйилади ва исталган рангдаги ип ёхуд махсус нозик боғич, лента билан тикилади. Расмий хужжатнинг тикилган жойдаги охирги вараги қалин қоғоз “юлдузча” билан елимланади, унга Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳр (кейинги ўринларда – гербли муҳр) босилади. Гербли муҳрнинг изи “юлдузча”да ва варакда бир текис жойлашади. Тикилган вараклар сони тикилган ва тартиб рақами қўйилган вараклар сони тўғрисидаги маълумотлар бор бўлган штамп билан тасдиқланади.

23. Ходим ўзи қўйган апостиль босма изини тўлдиради.

Апостиль босма изининг 2-қаторида апостиль қўйиш учун тақдим этилган расмий хужжатни имзолаган мансабдор шахснинг фамилияси кўрсатилади.

Агар расмий хужжатда аниқ мансабдор шахснинг имзоси ва унинг фамилияси назарда тутилмаган бўлса, ҳужжат эса ташкилот номидан чиқса, апостиль босма изининг 2-қаторида “имзо назарда тутилмаган” (апостиль изи тўлдирилган тилда) деб кўрсатилади, 4-қаторда эса – расмий хужжат чиқадиган ташкилотнинг расмий номи кўрсатилади.

Апостиль нотариал тартибда тасдиқланган расмий хужжатнинг нусхасига қўйилганда, апостиль босма изининг 1-қаторида “Ushbu rasmiy hujjat/this public document” деган сўзлардан кейин “нотариал нусхаси” (апостиль изи тўлдирилган тилда) сўзлари, 2, 3, 4-қаторларда эса нотариуснинг фамилияси, лавозими ва тегишлича давлат нотариал идорасининг номи кўрсатилади.

Апостиль босма изининг 3-қаторида расмий хужжатни имзолаган шахснинг лавозими қўрсатилади. Агар расмий хужжат бир неча шахслар томонидан имзоланган бўлса, уларнинг лавозим бўйича энг каттасининг (масалан, суд таркибидаги раислик қилувчининг) лавозим мавқеи кўрсатилади.

Апостиль босма изининг 4-қаторида расмий хужжатни берган ташкилотнинг расмий номи кўрсатилади.

Апостиль босма изининг 5-қаторида апостиль қўйилган шаҳар кўрсатилади.

Апостиль босма изининг 6-қаторида рақамлар билан апостиль қўйилган сана кўрсатилади.

Апостиль босма изининг 7-қаторида расмий ҳужжатни тасдиқлаган шахснинг фамилияси, лавозими кўрсатилади.

Апостиль босма изининг 8-қаторида Апостилни рўйхатдан ўтказиш тартиб рақамига мувофиқ бўлган тартиб рақами кўрсатилади.

Апостиль босма изининг 9-қаторига ваколатли давлат органининг гербли мухри босилади.

Апостиль босма изининг 10-қаторига апостиль қўйган шахснинг имзоси қўйилади.

Апостиль босма изи матнига ўзгартиришлар (тузатишлар) киритилишига йўл қўйилмайди.

Агар апостиль тақдим этиладиган давлатда расмий ҳужжатнинг таржимасини ҳам тақдим этиш зарур бўлса, апостиль қўйилишидан олдин кўрсатиб ўтилган расмий ҳужжатлар таржимон томонидан апостиль тақдим этиладиган давлат тилига (ёки инглиз тилига) таржима қилинади, шундан кейин таржимоннинг имзоси нотариус томонидан тасдиқланади, сўнгра расмий ҳужжат ва унинг тасдиқланган таржимасига апостиль қўйилади.

24. Ваколатли орган ходими апостиль қўйилган расмий ҳужжатни шу куннинг ўзида мурожаат этувчига (унинг вакилига) тақдим этади ва бу ҳақида “E-register” дастурига тегишли ёзувни киритади ҳамда апостиль қўйилган расмий ҳужжатнинг сканерланган PDF шаклидаги нусхасини бириктиради.

Бунда мурожаат этувчи ваколатли орган ходимига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда, апостиль қўйилган расмий ҳужжатларни қабул қилиб олганлигини ўз имзоси ёки идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

## **2-§. Электрон тарзда апостиль қўйиш тартиби**

25. Мурожаат этувчи давлат хизмати олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтган ҳолда электрон тарзда мурожаат этади.

26. Давлат хизматлари маркази ходими мурожаат этувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этганда мурожаат этувчи ўзининг шахсий кабинети орқали ваколатли давлат органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга – ушбу Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради.

27. Сўровномага хорижий давлат – Конвенция қатнашчиси худудида фойдаланиладиган расмий ҳужжат ёки расмий бўлмаган ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхаси илова қилинади.

28. Мурожаат этувчи томонидан сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди. Унинг ЯИДХПдан муваффақиятли авторизациядан ўтгани сўровномани ўзи шахсан юборганини билдиради.

Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, сўровнома идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия ва бошқалар) билан тасдиқланиши мумкин.

29. Давлат хизматлари маркази ходими томонидан барча расмий хужжатлар сканер қилинади ва 10 дақиқа мобайнида PDF шаклида идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ёрдамида ваколатли давлат органига юборилади.

30. Сўровномани кўриб чиқиш учун мурожаат этувчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

**а) давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:**

60 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига;

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – ваколатли давлат органининг ҳисобварағига ўтказилади;

**б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:**

55 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига;

11,25 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳисобварағига;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – ваколатли давлат органининг ҳисобварағига ўтказилади;

**в) ваколатли органга ўзи келиб мурожаат этганда:**

таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий хужжатлар бўйича йиғим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг маҳсус ҳисобварағига ўтказилади ҳамда қуйидаги тартибда тақсимланади:

60 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳисобварагига;

40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига;

бошқа ҳужжатлар бўйича ваколатли давлат органларининг махсус ҳисобварагига ўтказилади ва куйидаги тартибда тақсимланади:

25 фоизи – ваколатли давлат органининг ҳисобварагига;

75 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига.

Давлати хизмати кўрсатилгани учун йифим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Апостиль қўйилганлиги учун ҳужжатлар тўплами мавжуд бўлган тақдирда, йифим айни бир ишга тегишли бўлган ҳар бир расмий ҳужжат учун эмас, балки бутун тўплам учун ундирилади.

Апостиль қўйиш учун мурожаат қилган давлат органи ва ташкилоти йифим тўлашдан озод қилинади.

Мурожаат этувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси қўрмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йифим суммаси қайтарилилмайди.

31. Сўровнома расмий ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ваколатли орган томонидан икки иш куни ичида кўриб чиқилади.

32. Имзо намунасини ва апостиль қўйиш учун тақдим этилган расмий ҳужжатни имзолаган аниқ мансабдор шахснинг имзо қўйиш ваколатларини тасдиқлаш ва (ёки) расмий ҳужжат чиқадиган ташкилот муҳри босма изи намунасини талаб қилиш зарур бўлган тақдирда, расмий ҳужжатга апостиль қўйиш тўғрисидаги сўровномани кўриб чиқиш муддати ўн иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бунда, мурожаат этувчи ваколатли орган томонидан сўровномани кўриб чиқиш муддатлари узайтирилганлиги ҳақида хабардор этилиши лозим.

33. Апостиль қўйиш учун тақдим этиладиган расмий ҳужжатларда тегишли реквизитлар (тартиб рақами, сана, имзо, муҳр) ва мансабдор шахсларнинг имзолари ҳамда муҳр, штампларнинг ҳақиқийлиги, шу жумладан “E-App” ва “E-register” дастурларидан фойдаланган ҳолда, текшириб олинади.

34. Апостиль қўйиш учун тақдим этиладиган расмий ҳужжатлар, шунингдек улардаги мансабдор шахсларнинг имзолари ва муҳрлар босма изи аниқ бўлиши керак.

Агар расмий ҳужжатда тузатишлар ва (ёки) қўшимча ёзувлар бўлса, улар расмий ҳужжатга имзо чеккан шахс томонидан қайд этилиши керак. Кўрсатиб ўтилган тузатишлар ва (ёки) қўшимча ёзувлар барча хато ёзилган, кейинчалик эса тузатилган ва устидан чизилганларни дастлабки шаклда ўқиш мумкин бўлган тарзда бажарилиши керак.

35. Куйидаги ҳолларда апостиль қўйиш рад этилади:

расмий хужжатда ушбу Регламентнинг 33-бандига мувофиқ зарур реквизитларнинг ҳеч бўлмаганда бири мавжуд бўлмаса ёки мансабдор шахсларнинг имзолари ҳамда муҳр, штампларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланса;

расмий хужжатни имзолаган мансабдор шахс уни имзолаш ваколатига эга бўлмаса.

36. Ваколатли давлат органи томонидан апостиль қўйиш рад этилган тақдирда, ушбу Регламентга мувофиқ рад этиш тўғрисидаги билдиришнома рад этиш сабаблари ва мурожаат этувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб, тақороран кўриб чиқиш учун расмий хужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат (30 календарь кун) кўрсатилган ҳолда, Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали мурожаат этувчининг шахсий кабинетига электрон шаклда жўнатилади.

Давлат хизматлари маркази ходими шу куннинг ўзида мурожаат этувчига рад этиш тўғрисидаги билдиришнома ҳақида телефон ёки “SMS-хабар” орқали хабар беради.

Сўровнома тақороран кўриб чиқилганлиги учун йифим ундирилмайди.

Рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин берилган сўровнома янгидан берилган ҳисобланади.

37. Апостиль қўйилган тақдирда, ваколатли давлат органи электрон тарзда апостиль қўйилган расмий хужжатни Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки мурожаат этувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборади.

38. Давлат хизматлари маркази, электрон тарзда апостиль қўйилган расмий хужжат келиб тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни мурожаат этувчининг электрон манзилига юборади ва мурожаат этувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласида. Давлат хизматлари маркази мурожаат этувчининг сўровига кўра унга апостиль қўйилган расмий хужжатни электрон шаклда маълумот сақлаш манбаига кўчириб беради.

### **3-боб. Апостиль қўйиш масалалари бўйича маслаҳатлар (маълумотномалар) бериш**

39. Апостиль қўйиш масалалари бўйича маслаҳатлар (маълумотномалар) мурожаат этувчиларининг мурожаатига кўра, апостиль қўйиш масалаларини кўриб чиқиш ваколатига кирадиган ходим ҳамда Давлат хизматлари маркази ходими томонидан берилади.

40. Маслаҳатлар қўйидаги масалалар бўйича берилади:

ваколатли давлат органлари, шу жумладан улар жойлашган ер тўғрисидаги маълумотлар;

апостиль қўйиладиган расмий хужжатларнинг турлари ва хусусияти тўғрисида;

апостиль қўйиш учун тақдим этиладиган расмий хужжатларга қўйиладиган талаблар тўғрисида;

апостиль кўйилганлиги учун йигим миқдори тўғрисида;

хужжатларни қабул қилиш ва бериш вақти тўғрисида;

апостиль кўйиш муддатлари тўғрисида;

апостиль қўйиш давомида амалга ошириладиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қабул қилинадиган қарорлар устидан шикоят қилиш тартиби тўғрисида;

Конвенция қатнашчилари бўлган давлатлар тўғрисида.

41. Ушбу Регламентнинг 40-бандида назарда тутилган маълумотлар доимий икки томонлама алоқа, ижтимоий саҳифалар ва улардаги электрон ахборот ботлардан ташқари ахборот стендларида ва ваколатли давлат органларининг расмий веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

42. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли давлат органлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сирсақланишини таъминлайди.

43. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

44. Мурожаат этувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

45. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Расмий хужжатларга апостиль қўйиш  
бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг  
маъмурий регламентига  
1-илова

**Расмий хужжатларга анъанавий тарзда апостиль қўйиш бўйича  
давлат хизматини кўрсатиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Мурожаат этувчи	<p>1. Давлат хизматини олиш учун ваколатли органга ўзи келиб ёки ишончли вакили орқали мурожаат этади.</p> <p>2. Давлат хизматини кўрсатиш учун йифим тўлайди.</p>	<p>1. Хоҳишига кўра</p> <p>2. Мурожаат этганда</p>
2-босқич	Ваколатли орган	Ваколатли орган ходими мурожаат этувчи номидан тегишли сўровномани тўлдиради ва уни мурожаат этувчи ўз имзоси билан тасдиқлайди.	Мурожаат этилган кунда
3-босқич	Ваколатли орган	Сўровнома ва зарур хужжатларни ўрганиб чиқади ҳамда расмий хужжатга апостиль қўяди ёки апостиль қўйишни рад этади.	2 иш куни (судлар томонидан – 3 иш куни) ичida (зарур ҳолларда, 10 иш куни ичida)
4-босқич	Ваколатли орган	<p>1. Апостиль қўйилган расмий хужжатни ёки апостиль қўйишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномани мурожаат этувчига тақдим этади (юборади).</p> <p>2. Апостиль қўйилганлиги ҳақида “E-register” дастурига тегишли ёзувни киритади ва PDF шаклидаги апостиль қўйилган расмий хужжатнинг нусхасини бириктиради.</p>	Апостиль қўйилган ёки рад этилган куннинг ўзида

**Расмий хужжатларга электрон тарзда апостиль қўйиш бўйича  
давлат хизматини кўрсатиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-bosqich	Мурожаат этувчи	<ol style="list-style-type: none"><li>Давлат хизматини олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтган ҳолда электрон тарзда мурожаат этади.</li><li>Давлат хизматини кўрсатиш учун йигим тўлайди.</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>Хоҳишига кўра</li><li>Мурожаат этганда</li></ol>
2-bosqich	<ol style="list-style-type: none"><li>Давлат хизматлари маркази</li><li>Мурожаат этувчи</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>Давлат хизматлари маркази ходими мурожаат этувчи номидан тегишли сўровномани тўлдиради ва уни электрон тарзда ваколатли давлат органига юборади.</li><li>Тегишли сўровномани тўлдиради ва ЯИДХП орқали ваколатли давлат органига юборади.</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>10 дақиқа ичida</li><li>Автоматик тарзда</li></ol>
3-bosqich	Ваколатли орган	<ol style="list-style-type: none"><li>Сўровнома ва зарур хужжатларни ўрганиб чиқади, “E-App” дастури орқали электрон ракамли имзодан фойдаланган ҳолда расмий хужжатга апостиль қўяди ёки апостиль қўйишни рад этади.</li><li>Апостиль қўйилган расмий хужжатни ёки апостиль қўйишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномани Давлат хизматлари марказига ёхуд ЯИДХП орқали мурожаат этувчига юборади.</li></ol>	<p>2 иш куни (судлар томонидан – 3 иш куни) ичида (зарур ҳолларда, 10 иш куни ичида)</p>
4-bosqich	Давлат хизматлари маркази	<p>Апостиль қўйилган расмий хужжатни (ёки билдиришномани) мурожаат этувчининг электрон манзилига юборади. Ўзи келиб мурожаат қилганда, апостиль қўйилган расмий хужжатни (ёки билдиришномани) қоғоз ёки электрон шаклида беради.</p>	<p>Ваколатли органдан тегишли хужжат келиб тушган куннинг ўзида</p>

Расмий хужжатларга апостиль қўйиш бўйича  
давлат хизмати кўрсатишнинг  
маъмурий регламентига  
2-илова

**НАМУНА**

(сана)

(рақам)

**Расмий хужжатларга апостиль қўйиш бўйича  
давлат хизмати кўрсатиш учун  
СЎРОВНОМА**

**I. Ариза берувчи – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:**

1. Ф.И.О.:	
2. Паспортга оид маълумотлари (серияси ва рақами):	
3. ЖШ ШИР (мавжуд бўлса):	
4. Яшаш манзили:	
5. Телефон рақами:	
6. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

**II. (юр.) Ариза берувчи – юридик шахс тўғрисида маълумот:**

1. Ф.И.О.:	
2. Паспортга оид маълумотлари (серияси ва рақами):	
3. ЖШ ШИР (мавжуд бўлса):	
4. Яшаш манзили:	
5. Телефон рақами:	
6. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

**III. Расмий хужжатга оид маълумотлар:**

1. Расмий хужжат тури:	адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий <b>хужжатлар</b> судлардан чиқадиган расмий <b>хужжатлар</b> прокуратура, тергов, суриширув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларидан чиқадиган расмий <b>хужжатлар</b> таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий <b>хужжатлар</b> бошқа расмий <b>хужжатлар</b>
2. Расмий хужжатлар сони:	
3. Расмий хужжатнинг реквизитлари (берилган сана ва рақам):	
4. Апостиль тақдим этиладиган давлат:	
5. Апостилнинг тўлдириш тили:	ўзбек тили инглиз тили

Расмий хужжатларга апостиль қўйиш бўйича  
давлат хизмати кўрсатишнинг  
маъмурий регламентига  
3-илова

**HAMUNA**

**APOSTILLE**

(Convention de la Haye du 5 octobre 1961)

1. Davlat/Country \_\_\_\_\_ O'zbekiston Respublikasi

Ushbu rasmiy hujjat/this public document

2. Tomonidan imzolandi/

has been signed by \_\_\_\_\_

3. Sifatida faoliyat yurituvchi/

Acting in the capacity of

4. Muhr/shtamp bilan tasdiqlangan/

bears the seal/stamp of \_\_\_\_\_

Tasdiqlandi/Certified

5. Shahar/at \_\_\_\_\_

6. Sana/the \_\_\_\_\_

7. Tomonidan/ by \_\_\_\_\_

8. № \_\_\_\_\_

9. Muhr/shtamp/

10. Imzo/Signature

Seal/stamp


QR-код



Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “З” декабрдаги 732-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2022 йил 1 мартдан бошлаб  
ўз кучини йўқотган деб хисобланавётган айrim қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 47-сон, 489-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 18 июлдаги 515-сон қарорига 3-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 29-сон, 698-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (“Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон Қонуни)” 2017 йил 1 декабрдаги 960-сон қарорига илованинг 10-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида” 2018 йил 17 февралдаги 126-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва нотариал органлар соҳасида ҳамда расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 15 февралдаги 134-сон қарори 1-бандининг бешинчи хатбошиси, унга 4-илова ва 5-илованинг 1-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон ҳамда “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон қарорлари)” 2019 йил 30 сентябрдаги 821-сон қарорига илованинг 11-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5816-сон Фармони)” 2020 йил 1 апрелдаги 195-сон қарорига илованинг 5-банди.

